

---

## Беш гектар майдонни эгаллаган иссиқхонада кўчат етиштирилмоқда

Халқимиз йилдан-йилга деҳқончиликка илмий асосда ёндашиб, бозор талаблари ҳамда аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб маҳсулот етиштиришнинг инновацион усуллари жорий этмоқда.

Иссиқхона қуриб, даромад олаётган тадбиркорлар ҳақида кўп эшитганмиз. Ҳатто, кафтдеккина томорқасидан бир йилда уч-тўрт мартаба ҳосил олаётган миришкорлар кўпчиликни ташкил этади.

Туманимизда ҳам ер билан тиллашадиган, деҳқончиликнинг сиру саноатларини пухта ўрганган тадбиркорларимиз сафи ортмоқда. Жумладан, “GRAND AGROFIRMA” МСНҲ томонидан ишга туширилган замонавий иссиқхона бир неча йилдан бери нафақат туманимиз ва атроф ҳудудларга, балки қўшни республикаларга помидор, бодринг каби маҳсулотларни экспорт қилиб келмоқда.

Аҳоли сонининг ўсиб бориши истеъмол маҳсулотларига бўлган талабни янада оширишига олиб келади. Бозор иқтисодиёти шароитида қишин-ёзин дастурхонларимиз кўркига кўрк қўшадиган помидор, бодринг сингари маҳсулотлар ҳамisha харидоргир.

Айни кунларда бу йирик иссиқхонада навбатдаги экин учун кўчат етиштирилмоқда. Бугунги кунга келиб, тадбиркор томонидан энг оммабоп бўлган бодринг ва помидор экинларининг иқлимга мослаштирилган кўчатлари ҳам маҳаллийлаштирилиб, иссиқхонанинг ўзида етиштирилмоқда.

2024-01-25 10:48:00